

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

КАМЫШОВ СЕРГЕЙ ВИКТОРОВИЧ

**БАЧАДОН БЎЙНИ ВА ТУХУМДОНЛАР САРАТОННИ КОМПЛЕКС
ДАВОЛАШДА ЭКСТРАКОРПОРАЛ ИММУНОФАРМАКОТЕРАПИЯ**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)

Contents of the of Doctoral (D.Sc) Dissertation Abstract

Камышов Сергей Викторович

Бачадон бўйни ва тухумдонлар саратонини комплекс даволашда
экстракорпорал иммунофармакотерапия 3

Камышов Сергей Викторович

Экстракорпоральная иммунофармакотерапия в комплексном лечении
рака шейки матки и яичников 29

Kamishov Sergey Victorovich

Extracorporeal immunopharmacotherapy in complex treatment of cancer of
the cervix uterus and ovaries 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

КАМЫШОВ СЕРГЕЙ ВИКТОРОВИЧ

**БАЧАДОН БЎЙНИ ВА ТУХУМДОНЛАР САРАТОННИ КОМПЛЕКС
ДАВОЛАШДА ЭКСТРАКОРПОРАЛ ИММУНОФАРМАКОТЕРАПИЯ**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2018.2.DSc/Tib201 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифасининг www.rscs.uz ва «Ziyounet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Тилляшайхов Мирзаголеб Нигматович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Грицай Анатолий Николаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор Гофур–Охунов Мирза Алиёрович тиббиёт фанлари доктори, профессор Атаханова Нигора Эргашевна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазирлиги «Санкт-Петербург давлат педиатрия тиббиёт университети» Федерал давлат бюджет олий таълим муассасаси

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ куни соат 14⁰⁰даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Докторлик диссертацияси билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (57-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

А.Х. Бабаджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.В. Девятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамда Онкологик тадқиқотлар халқаро агентлиги (IARC) томонидан қўллаб турилувчи саратон бўйича GLOBOCAN 2016 дунё базасининг янгиланган нусхаси маълумотларига кўра, «тухумдон саратони (ТС), бачадон бўйинчаси саратони (ББС) ва кўкрак беги саратони ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатлардаги репродуктив ёшдаги аёллар ўртасида энг тарқалган бўлиб ҳисобланади»¹. Ўзбекистон Республикаси аёллари репродуктив тизими онкологик касалликлари таркибида «ББС кўкрак беги саратонидан кейинги иккинчи ўринда, касалланиш бўйича олтинчи ва барча онкологик касалликлардан ўлим таркибида еттинчи ўринни эгаллаган, бу ҳолат эса сифатли ва самарали ёрдам бериш мумкин бўлган касалликнинг эрта босқичларда ташхислаш ва даволашнинг янги усулларини излаш заруратини белгилайди»². ТС аёллар ўртасида онкологик ўлим ўртасида етакчи сабаб бўлиб қолмоқда ва гинекологик ўсмалар ичида энг фатал тури билиб ҳисобланади. «Замонавий кимётерапия адекват ўтказилган ҳолда касаллик ремиссияга 75% ҳолатда эришиш мумкин, улардан 40%и тўлиқ регрессиядир, бироқ улардан тахминан 50%ида турл муддатларда (ўртача 16-18 ой) касаллик қайталаниши кузатилади»³. Ҳозирги кунда ББС ва ТС билан беморларни олиб бориш тактикасида хирургик амалиёт, кимётарпия ва баъзида нур даволашни ўз ичига олган комплекс ёндашув энг самарали ҳисобланади. Бу касалликларни даволашда кўп йиллар давомида сезиларли силжишлар йўқлиги кимётерапиянинг бирламчи чизиғи тартибини такомиллаштиришга олимларнинг интилишини изоҳлайди, янги ўсмага қарши кўп сонли дори воситаларининг пайдо бўлиши эса энг самарали комбинацияларни излашни давом эттиришга мажбур қилмоқда.

Дунё амалиётида ҳозирги вақтда тип бўйича генотиплаш ва гистокимёвий мансубликка боғлиқ равишда ўсманинг патогенези хусусиятларини верификация қилган ҳолда турли хавфли жараёнларда иммун тизимнинг ўсмага қарши потенциалини ўрганиш энг долзарб тадқиқотлардан бўлиб ҳисобланади. Ўсма ўчоғига нур билан таъсир этиш фониди гомеостазни аниқлаш, натижавий дозани оптималлаштириш учун дозиметрик мезонларни фаол ишлаб чиқиш, бутун организм ва аъзолар тизими ҳолатига потенциал патологик таъсирни баҳолаш кабилар замонавий онкологиянинг бошқа муҳим масалаларидан бўлиб қолмоқда. Ўсмага кимёвий ва нур таъсирларида патологик силжишларнинг ривожланиши барча омилларини ҳисобга олган ҳолда дунёнинг етакчи илмий институтларида иммун тизимнинг алоҳида компонентлари ва звеноларига танлаб таъсир қилишини идентификация қилишга қаратилган, гемостаз бузилишларини коррекция қилиш усун махсус

¹ World Health Organization. Cancer: fact sheet no. 24. World Health Organization website. 2016. www.who.int/iris/handle/10442/133876

² Статистические материалы о деятельности учреждений здравоохранения Республики Узбекистан в 2015 году.-Ташкент. -2016. -312 с.

³ ESMO, Pocket Guidelines. «Gynaecological Malignancies» - 2016

иммуномодуляция қилувчи жараёнларни молекуляр-генетик ўрганиш олиб борилмоқда. Плазмаферез, қонни сорбентлар орқали перфузия қилиш, турли фаоллаштирувчилар билан қайта ишлаш ва ҳ.к. адаптоген усулларнинг ушбу жараёнларга таъсирини ўрганиш истиқболлари кашф этилмоқда.

Юртимиз соғлиқни сақлаш тизими ривожланишининг замонавий босқичида хавфли ўсмалар билан беморларни даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар ўтказилмоқда. Бу йўналишда, хусусан, репродуктив ёшдаги ТС ва ББС билан касалланган аёлларни ташхислаш ва даволаш сифатини яхшилашда, муайян ижобий натижаларга эришилган. Шу билан бирга, тиббий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш учун тизимли ўсмага қарши давонинг янги усуллари ва экстракорпорал иммунофармакотерапия (ЭИФТ) замонавий усулларининг самарадорлигини баҳолаш бўйича илмий асосланган натижалар зарурдир. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақон ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган¹. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, ЭИФТ усулларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш йўли билан II-III босқичдаги ББС ва ТС билан беморларни даволаш самарадорлигини яхшилаш долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2866-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 266-сон «Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолияти тўғрисида»ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шархи.² Асосий иммун ўсмага қарши механизмлар ва замонавий фармацевтика

¹ ЎзР Президентининг 07.02.2017й.даги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Қонун ҳужжатлари тўплами.

² Диссертация бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шархи: Niederhuber J.E., Armitage J.O., Doroshow J.H., Kastan M.B., Tepper J.E., eds. *Abeloff's Clinical Oncology*. 5th ed. Philadelphia, Pa: Elsevier, 2014. R. Andrade de Mello, A.Tavares, G. Mountzios. *International Manual of Oncology Practice*. Springer International Publishing Switzerland, 2015 y. D.L.Longo, L.C.Hartmann, and N.M.Lindor, "The role of risk-reducing surgery in hereditary breast and ovarian cancer," *N. Engl. J. Med.*, vol. 374, no. 5, pp. 454–468, 2016. M.Montagnana, E.Danese, S.Giudici, M.Franchi, G.C.Guidi, M.Plebani, and G.Lippi, "HE4 in ovarian cancer: From Discovery to clinical

воситалари, инвазив усулларни қўллаган ҳолда иммунотерапиянинг турли вариантлари ёрдамида бу механизмларнинг фаоллашувини ўрганишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари дунёнинг кўплаб етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртлири, шу жумладан, National Institute for Physiological Sciences (Japan), KU Leuven (Belgium), Max-Planck-Institut für Molekulare Physiologie и Leibniz-Institut für Molekulare Pharmakologie (Germany), University of Copenhagen (Denmark), Albany Medical College (USA), The national cancer Institute in Milan (Italy); Surgical Clinics of North America; Munster multidisciplinary cancer center (Germany); West German cancer center; MD Anderson Cancer Center (USA); German Cancer Research Center (Germany); Department of Pathology and Molecular Medicine, Queen's University (Canada); University of Alabama at Birmingham and the Birmingham Veterans Affairs Medical Center (USA); «Н.Н. Блохин номидаги онкология Миллий тиббий тадқиқот маркази» Федерал давлат бюджет ташкилоти (Россия), «Н.Н. Петров номидаги онкология Миллий тиббий тадқиқот маркази» Федерал давлат бюджет ташкилоти (Россия) ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон Республикаси) томонидан олиб борилмоқда.

II-III босқичдаги ББС ва ТС билан беморларни даволаш самарадорлигини яхшилаш бўйича дунёда ўтказилган тадқиқотлар натижасида ушбу касалликни даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган турлича ечимлар таклиф этилган, шу жумладан: репродуктив тизим хавfli ўсмаларини анъанавий даволашда асосий ҳисобланган, хирургик усул билан бир қаторда кимётерапия алоҳида ёки нур ва радиотерапия билан биргаликда қўлланиши, кўпинча, етарлича самара бермаслиги кўрсатилган (Max-Planck-Institut für Molekulare Physiologie и Leibniz-Institut für Molekulare Pharmakologie, Germany); кимётерапиянинг нур терапия билан биргаликда қўлланиши ўз-ўзича иммуносупрессияни чақириши, натижада эса суяк кўмигида қон ишлаб чиқариш сусайиши ва инфекция асоратлар ривожланиши исботланган. Натижада, ўсма ривожланиши туфайли сусайиб қолган иммун тизим яна бир қақшатқич зарбага учраши кузатилган (Munster multidisciplinary cancer center, Germany); ўсмадан муваффақиятли тузалиш кимётерапевтик комплексларнинг ўсмага қарши самарадорлиги ва даволашдан кейинги ўсма хужайралари билан курашишга етарли (ёки етарли бўлмаган) иммун тизим потенциали ўртасидаги мувозанатга боғлиқ бўлиши аниқланган (National Institute for Physiological Sciences, Japan); ББС ва ТС билан беморларни комплекс даволашда ЭИФТ самарали ва зарурий усул эканлиги аниқланган. ЭИФТда қўшимча равишда лейкоцитар фракциянинг ажратилиш ва организмдан ташқарида яллиғланиш ва иумн реакцияларда

application.," Adv. Clin. Chem., vol. 55, pp. 1–20, 2011. N.Chobanian and C.S.Dietrich, "Ovarian Cancer," Surgical Clinics of North America, vol. 88, no. 2. pp. 285–299, 2008.P.Sun, and S.A.Narod, "Ten-year survival after epithelial ovarian cancer is not associated with BRCA mutation status," Gynecol. Oncol., vol. 140, no. 1, pp. 42–47, 2016. D.L.Longo, L.C.Hartmann, and N.M.Lindor, "The role of risk-reducing surgery in hereditary breast and ovarian cancer," N. Engl. J. Med., vol. 374, no. 5, pp. 454–468, 2016. M.Montagnana, E.Danese, S.Giudici, M.Franchi, G.C.Guidi, M.Plebani, and G.Lippi, "HE4 in ovarian cancer: From Discovery to clinical application.," Adv. Clin. Chem., vol. 55, pp. 1–20, 2011.

иштирок этувчи хужайралар фаоллигини ошириш ёки камайтиришга қаратилган дори воситаси билан ишлов берилиши тадқиқотчилар томонидан кўрсатиб ўтилган (University of Alabama at Birmingham and the Birmingham Veterans Affairs Medical Center, USA).

Ҳозирги кунда дунёда ББС ва ТС билан беморларни хирургик даволаш натижаларини яхшилаш, ушбу онкологик касалликларнинг клиник кечиши ва прогнозини хирургик амалиёт ҳажмига, циторедуктив амалиётдан кейинги қолдиқ ўсма ўлчамларига ва кимё дори воситасини танлашга боғлиқ равишда ўрганишга бағишланган тадқиқотлар давом этмоқда. Шунга қарамай, ҳозирги кунда даволаш стратегияси ва ножўя таъсирларни коррекция қилиш имкониятлари тўғрисида яқка нуқтаи назар мавжуд эмас, шу сабабли янги самарали усуллар ва ёндашувларни қидириш ва тактика танлашни аниқлаш, иммунотерапиянинг турли усулларини ишлаб чиқиш, ўрганиш ва клиник амалиётга татбиқ этиш замонавий онкологиянинг долзарб йўналишларидан бўлиб ҳисобланади, чунки ушбу усулларни қўллаш анъанавий усулларнинг терапевтик имкониятларини кенгайтириши ҳамда уларнинг ножўя таъсирларини камайтириши, ва натижада, ББС ва ТС билан беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаши мумкин.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Eggink FA ¹ фикрига кўра, «ТС ҳозирги кунда ҳам аёллар ўртасида онкологик ўлим орасида тўртинчи етакчи ўринда ва ҳануз гинекологик ўсмалар орасида фатал бўлиб қолмоқда». «ББС энг кўп учрайдиган аёллар жинсий аъзолари хавфли ўсмаларидан бири бўлиб, дунё бўйича учраш эҳтимоллиги 100 минг аёл аҳолига 10 дан 40 гачани ташкил этади, улардан қарийб ярми эса касаллик кеч аниқлангани туфайли биринчи йил давомида вафот этадилар» (Shanker A ²). ТС қайталаниш эҳтимоллиги 75%ни ташкил этади, уни даволаш эса онкогинекологиянинг энг мунозарали бўлими ҳисобланади ва аксарият паллиатив характерга эга бўлади, шу сабабли, даволашнинг асосий мақсади ҳаёт давомийлигини узайтириш ва сифатини яхшилашдан иборат. «ББСда беш йиллик яшаб қолиш турли муаллифларнинг фикрига кўра, касалликнинг III-IV боқичларида 17-22%ни ташкил қилади. Ўлимнинг асосий сабаби эса саратоннинг қайталаниши бўлиб, даволанганларнинг 37% дан 50%гача ташкил қилади, бу эса фармакотерапия усулларини янада такомиллаштиришни талаб қилади» (A.Gentry-Maharaj ³).

Кўп йиллар давомида саратоннинг давоси хирургия, кимётерапия ва нур терапияга боғлаб қўйилган эди. Wright SE ⁴ фикрига кўра, «хавфли

¹ Eggink FA, Vermue MC, Van der Spek C, Arts HJ, Apperloo MJ, Nijman HW, Niemeijer GC. The impact of centralization of services on treatment delay in ovarian cancer: A study on process quality. // Int J Qual Health Care. 2017 Aug 22:1-7.

² Shanker A, Marincola FM (2011) Cooperativity of adaptive and innate immunity: implications for cancer therapy. Cancer Immunol Immunother 60:1061-1074

³ A.Gentry-Maharaj and U.Menon, "Screening for ovarian cancer in the general population," Best Pract. Res. Clin. Obstet. Gynaecol., vol. 26, no. 2, pp. 243–256, 2012 Cancer Research UK, "Ovarian cancer incidence statistics," CancerStats,2014

⁴ Wright SE, Rewers-Felkins KA, Quinlin IS, Phillips CA, Townsend M, Phillip R, Dobrzanski MJ, Lockwood-Cooke PR, Robinson W (2012) Cytotoxic T-lymphocyte immunotherapy for ovarian cancer: a pilot study. J Immunother 35:196-204.

Ўсмаларнинг иммунотерапияси – нисбатан янги илмий йўналиш бўлиб, сўнгги ўн йилликда олинган натижалар унинг алоҳида аҳамиятини кўрсатади, онкологик касалликларни даволашда иммунотерапевтик ёндашувлар эса мустаҳкам далилий асосга эгадир». Онкоиммунология соҳасидаги кўпчилик тадқиқотчиларнинг (J.Kotsopoulos ¹, Cho U ²) натижаларига кўра, «ББС ва ТС билан беморларда кимё воситалари, нур усуллари ёрдамида комплекс ўсмага қарши даволашда сўнг аралаш генездаги иммунодепрессия кузатилади. Биринчидан, онкологик жараён ривожланишининг ўзи иммун назорат фаолиятида ўсма хужайраларининг чекловсиз кўпайишига имкон берувчи бирламчи нуқсон борлигини англатади; иккинчидан, ўсма хужайраларининг ўзи ҳам турли фаол субстанцияларни ишлаб чиқариш ҳисобига маҳаллий ва иммуносупрессив таъсир кўрсатади; учинчидан, замонавий ўсмага қарши комплекс даво (хирургик даво, нур ва кимётерапия) генераллашган имуносупрессияни индукция қилувчи кучли омил бўлиб ҳисобланади». Шу сабабли, онкологик беморлар иммунотерапевтик даво ўтказилиши кўрсатилган алоҳида беморлар гуруҳини ташкил этади.

Адабиётлардаги маълумотларнинг ўтказилган таҳлили шунини кўрсатдики, иммун тизим ҳозирги вақтда ўсмага қарши давонинг самарадорлигини оширишга қаратилган барча уринишларнинг марказида бўлиб, иммун тизимнинг ўсмага қарши потенциалини фаоллаштириш вазифаси эса замонавий онкологиянинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Иммунотерапия вақт ўтиши сайин ўсмаларни даволашнинг энг истиқболли усули бўлиши мумкин, чунки физиологик жиҳатдан адекват усул бўлиб, бемор организмнинг неопластик жараён ва даволаш жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган инфекцияли асоратлар билан курашиш учун табиий кучларини тиклайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг «Тухумдон саратони билан беморларни патогенетик даволашни ишлаб чиқиш учун цитогенетик ва молекуляр-биологик тадқиқотлар» (2006-2008йй.) мавзусидаги А-9-050-сон; «Турли локализациядаги хавфли ўсмаларда кўп сонли дорига турғунликнинг шаклланишини ўрганишда янги технологиялар ва уни бартараф этиш йўллари ишлб чиқиш» (2009-2011йй.) мавзусидаги ITD -1109-11.3-10849-сон; «Онкологик беморларда иммунитетнинг молекуляр омилларини ўрганиш» (2009–2014йй.) мавзусидаги Ф-4.3.7-сон илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

¹ Cho U, Kim B, Kim S, Han Y, Song YS. Pro-inflammatory M1 Macrophage enhances metastatic potential of ovarian cancer cells through NF-κB activation. // Mol Carcinog. 2017 Oct 12.

² J.Kotsopoulos, B.Rosen, I.Fan, J.Moody, J. R.McLaughlin, H.Risch, T.May, P.Sun, and S.A.Narod, “Ten-year survival after epithelial ovarian cancer is not associated with BRCA mutation status,” Gynecol. Oncol., vol. 140, no. 1, pp. 42–47, 2016.

Тадқиқотнинг мақсади экстракорпорал иммунофармакотерапия усуллари ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш йўли билан II-III босқичдаги бачадон бўйинчаси ва тухумдон саратони билан беморларни комплекс даволаш самарадорлигини яхшилашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

ББС ва ТС билан беморларда ЭИФТ усуллари специфик ўсмага қарши терапия билан бирга ўтказишга кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни унификация қилиш;

ЭИФТ усуллари қон ишлаб чиқиш кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш;

II-III босқичли ББС ва ТС билан беморларда иммун тизим (ҳужайравий ва гуморал омиллар) кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

ЭИФТ усуллари кимётерапиянинг токсик кўринишларига ва II-III босқичли ББС ва ТС билан беморларнинг ҳаёт сифатига таъсирини ўрганиш;

II-III босқичли ББС ва ТС билан беморларни комплекс даволашда қўлланган иммунотерапия усуллари самарадорлигини баҳолаш;

иммунотерапия усули индивидуал танлашда ўсманнинг молекуляр-биологик маркерларининг аҳамиятини ўрганиш;

II-III босқичли ББС ва ТСни комплекс даволашда экстракорпорал усулларни қўллаган ҳолда ҳамроҳ иммунотерапия алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2004 йилдан 2016 йилгача бўлган даврда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида $T_{2-3}N_{0-1}M_0$ (II-III клиник) босқичдаги репродуктив тизим хавfli ўсмалари (136 та ББС ва 132 та ТС) билан текширилган ва комплекс даволанган 268 нафар беморлар хизмат қилади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб ТС ва ББС билан беморларда комбинацияланган терапиянинг турли босқичларида текширилган ўсма биоптатлари ва периферик веноз қон таҳлиллари натижалари хизмат қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотнинг мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ечиш учун ушбу усуллардан фойдаланилди: клиник, лаборатор, инструментал, иммунологик, иммунофермент, иммуногистокимёвий текширув усуллари ҳамда оқова цитофлуориметрияни қўллаган ҳолда текширув.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

бачадон бўйинчаси ва тухумдон саратонида ўсма жараёнининг эндоген кўринишларининг оғирлик даражасини баҳолаш учун инсоннинг қон зардобида айланиб юрган иммун комплексларни аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

ўсманнинг ҳажми, дифференциаллашиш даражаси ва пролифератив фаоллиги, p53, VEGF ва Ki-67 маркерлари экспрессияси даражасини ҳисобга олган ҳолда бачадон бўйинчаси ва тухумдон саратони билан беморларда экстракорпорал иммунофармакотерапия ўтказиш хусусиятлари аниқланган;

бачадон бўйинчаси ва тухумдон саратонида иммунологик силжишлар хусусиятлари ўрганилиб, Т-хелперлар/индукторлар сонининг камайиши ва Т-

цитотоксик ва активацион лимфоцитларнинг ҳамда IgG, IgA ва айланиб юрган иммун комплексларнинг зардобдаги концентрациясининг ортиши хисобига иммунорегулятор индекс сусайиши аниқланган;

экстракорпорал иммунофармакотерапияни иммунотроп дори воситалари билан бирга қўллаш Т-хужайраларни фаоллаштиришга ва иммунитетнинг асосий гуморал омилларини меъёрлаштиришга ижобий таъсир қилиши исботланган;

II-III босқичли бачадон бўйинчаси ва тухумдон саратони билан беморларда гемопоз, иммун тизим ва ҳаёт сифати кўрсаткичларини яхшилашга кўмаклашувчи комбинациялашган ўсмага қарши терапиянинг энг самарали усуллари аниқланган;

токсиклик даражаси, физик ҳолат (ECOG) ва ҳаёт сифати (SF-36) кўрсаткичларини аниқлаб, иммуностимуляция билан бирга ўсмага қарши давога комплекс ёндашув фонида кимётерапевтик таъсир хусусиятлари аниқлаштирилган;

бачадон бўйинчаси ва тухумдон саратони билан беморлар беш йиллик яшаб қолиш кўрсаткичларининг онкомаркерлар даражаси (p53, VEGF ва Ki-67) ва ўсманинг пролифератив фаоллиги билан корреляцион боғлиқлиги аниқланган, уларнинг юқори даражаси эса ҳамроҳ экстракорпорал иммунотерапия ўтказиш учун асос бўлиши кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

ББС ва ТС билан беморларда экстракорпорал иммунофармакотерапия усулини қўллашга кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни аниқлашнинг клиник ва лаборатор мезонлари ишлаб чиқилган;

ББС ва ТС билан беморларни ташхислаш ва даволашнинг самарадорлигини баҳолашда иммунорегулятор индекснинг сусайиши онкогинекологик касалликларда Т-хужайрали иммун танқислик ҳолати чуқурлигининг муҳим мезони эканлиги исботланган;

ББС ва ТСни даволашда Т-хужайрали звенони фаоллаштириш учун тималин ва иммунитетнинг асосий гуморал омилларини меъёрлаштириш учун циклоферон қўллаган ҳолда иммунотроп терапия ва экстракорпорал усулнинг комбинацияда қўллаш самарадорлиги баҳоланган;

ўсманинг II-III босқичларида кимётерапиянинг токсик кўринишларини камайтириш ва қайталанишнинг хавфини камайтиришда таклиф этилган иммунотерапия усуллариининг самарадорлиги исботланган;

таклиф этилган ўсмага қарши комплекс даво усулининг ECOG (ЖССТ) шкаласи бўйича субъектив ҳолат ҳамда SF-36 сўровномасига биноан ҳаёт сифатининг физик ва рухий компонентлари кўрсаткичларига таъсири аниқланган;

II-III босқич ББС ва ТС билан беморларни комплекс даволашда узлукли плазмаферез ва экстракорпорал иммунофармакотерапияни ўз ичига олган иммунотерапия схемаси энг яхши самарага эгалиги аниқланган;

ББС ва ТСни комплекс даволашда ҳамроҳ иммунотерапия алгоритми ишлаб чиқилган, экстракорпорал иммунофармакотерапия усулларини ўтказишга кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланган замонавий клиник-лаборатор, инструментал, иммунологик ва иммуногистокимёвий текширув усуллари билан асосланган. Тадқиқотдаги хулосалар Стьюдент мезони ва вариацион таҳлил, ишонч интерваллари ва ишонч эҳтимолликларини ҳисоблаш каби математик статистика замонавий усуллари қўллаган ҳолда ишлов берилган натижалар асосида чиқарилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг олинган натижалари тиббий генетика, онкогинекология ва иммунологиянинг замонавий ютуқларига сезиларли ҳисса қўшади. Ўтказилган клиник ва иммунологик тадқиқотлар ББС ва ТС шаклланиши ва ривожланиши хусусиятларини, иммунологик, айниқса, поликимётерапия билан комплексда иммунотерапия фонида кечиш хусусиятларини ўрганиш, шунингдек комплекс даволашнинг янги конкурент усуллари шакллантириш учун йўналишларни аниқлаш имконини берган. Ўсманинг ҳажми, дифференциаллашиш даражаси ва пролифератив фаоллиги, p53, VEGF ва Ki-67 маркерлари экспрессияси даражасини ҳисобга олган ҳолда ББС ва ТС билан беморларда экстракорпорал иммунофармакотерапия ўтказиш хусусиятлари аниқланган. Ишнинг айрим натижалари ББС ва ТС билан беморларни ташхислаш ва даволаш бўйича магистрлар, клиник ординаторлар ва курсантларни ўқитиш дастурининг таркиби ва структурасини такомиллаштириш имконини беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти II-III босқичдаги ББС ва ТС билан беморларда ЭИФТ усуллари ўтказишга кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар ишлаб чиқилиб, натижада қон ишлаб чиқилиши ва иммун статус кўрсаткичларини яхшилаш, эритроцитлар, лейкоцитлар ва лимфоцитлар ҳамда Т- ва В-лимфоцитлар сонини кўпайтириш, кимётерапевтик таъсирнинг токсиклиги кўринишларини камайтириш ва субъектив ҳолат ҳамда ҳаёт сифатининг физик ва рухий компонентларини яхшилаш имконини берганлигидан иборат. II-III босқич ББС ва ТС билан беморларни комплекс даволашда узлукли плазмаферез ва экстракорпорал иммунофармакотерапияни ўз ичига олган иммунотерапия схемаси энг яхши самарага эга бўлиб, беш йиллик яшаб қолиш кўрсаткичларини ошириш имконини берганлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ББС ва ТС билан беморларни даволаш натижаларини яхшилашга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Одам қони зардобиди айланиб юрган иммун комплексларни аниқлаш усули»га Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 20180218-сон патент, 2018 йил). Таклиф этилган усулни қўллаш ББС ва ТС билан аёллар иммун тизими ҳолатини баҳолаш ва коррекцияловчи даво тактикасини танлаш борасида ташхислаш сифатини яхшилаш имконини берган;

«Бачадон бўйинчаси ва тухумдонлар саратони билан бемор аёлларда ҳамроҳ экстракорпорал иммунофармакотерапия усули» услубий

тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 10 июлдаги № 8н-р/181-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиялар ББС ва ТС билан беморларда ташхислаш дастурини оптималлаштириш, беморларнинг энг мураккаб гуруҳларини аниқлаш ва комплекс даволаш тактикасини танлашнинг объектив мезонларини аниқлаш имконини берган;

бачадон бўйинчаси ва тухумдон саратони билан беморларни даволаш натижаларини яхшилаш бўйича бажарилган диссертация ишидан олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг аутогемотерапия ва кимётерапия бўлимлари, марказнинг Самарқанд ва Жиззах филиаллари амалий фаолиятига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 20 июлдаги 8н-д/163-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тадқиқот натижалари асосида ББС ва ТС билан беморларга ихтисослашган юқори технологияли тиббий хизмат кўрсатиш миқёси сезиларли кенгайтирилган, даволаш сифати ва ижобий натижалар частотасини яхшилаш, кимётерапия таъсиридан кейин III и IV даражали токсиклик белгиларини бартараф этиш ҳамда умумий беш йиллик яшаб қолиш кўрсаткичини 58,7%дан 69,3%гача ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган, шу жумладан, 8 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 49 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, 21 та мақола, улардан 14 таси республика ва 7 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси ОАК диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етти та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 199 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги ва унга бўлган талаб асосланган, объекти ва предмети характерланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланиш устувор йуналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамиятини очиб берилган, нашрлар ва диссертациянинг қисқача шакли ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **“Хавфли ўсмаларни комплекс даволашда иммунотерапиянинг ўрни (адабиёт таҳлили)”**, деб номланган биринчи бобида тухимдон ва бачадон бўйинчаси саратонини қўшма даволаш усуллари ҳақида замонавий қарашлар таҳлил қилинган. Қўшимча равишда, ўсмага қарши иммунитетни амалга ошишида муҳим бўлган асосий иммунологик механизмлар ва кўрсаткичлар тақдим этилган. Бундан ташқари,

иммунитетнинг асосий цитокинлари, хужайравий ва гуморал кўрсаткичлари батафсил тавсифланган.

Диссертациянинг **“Илмий изланишнинг материали ва текширув усуллари”**, деб номланган иккинчи бобида қўлланилган клиник, лаборатор ва инструментал, иммунологик ва иммуногистокимёвий тадқиқот усуллари батафсил ёритилган. Тадқиқот материаллари батафсил тавсифланган, натижаларнинг статистик ишлов берилиши тақдим этилган.

Диссертациянинг **“Тухумдон ва бачадон бўйинчаси саратонини комплекс даволашда ЭИФТ”**, деб номланган учинчи бобида комплекс даволашдан олдин текширилган беморларнинг клиник ва ташхислаш текширув натижаларини тақдим этилган. Жараённинг босқичларида бачадон бўйни саратони (ББС) ва тухумдон саратони (ТС) билан оғриган беморларнинг морфологик, клиник хусусиятлари батафсил баён этилган. Беморларни экстракорпоралимунофармакотерапия (ЭИФТ) усули билан даволашга ўтказиш учун клиник ва лаборатория мезонлари тавсифланган ва беморларда поликимётерапия (ПКТ) курсларини ўтказгандан сўнг барча токсиклик турлари тақдим этилади. ЭИФТни ўтказиш тартиби батафсил тавсифланган. ББС билан касалланган беморларда иммунотерапия амалиёт атрофи ва амалиёт вақтида амалга оширилган.



ЭИФТ усуллари махсус даволанишдан сўнг, токсик таъсирларни камайтириш, ҳамда беморларда жарроҳлик аралашувини амалга оширгандан сўнг умумий ҳолатни яхшилаш учун ишлатилган.

Ўтказилган текширувларнинг таҳлили бизга ББС билан касалланган беморларни тайёрлаш учун алифбо ишлаб чиқишга имкон берди, Шу жумладан ЭИФТ техникаси:



- a) анамнезга оид маълумотлар (коморбидлик);
- b) умумий клиник ва биокимёвий қон ва сийдик таҳлиллари;
- c) иммунологик кўрсаткичлар;
- d) СТС-NCIS шкаласи бўйича кимёвий даволаш токсиклиги даражасини аниқлаш;
- e) Карновский шкаласи ва ECOG (БССТ) бўйича беморларнинг умумий аҳволи (Performance status);
- f) SF-36 га мувофиқ беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш;
- g) ЭИФТ.

Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, ББС ва ТС билан касалланган беморларда ЭИФТ усуллари қўллаш бўйича тадқиқотларда клиник ва лаборатор мезонлари аниқланган.

Диссертациянинг тўртинчи боби **“ЭИФТ усуллариининг иммун тизими ва гематопозга таъсирини ўрганиш”** деб номланган. ББС ва ТС билан касалланган барча беморларда ЭИФТнинг гематопоз тизимига таъсирини таҳлил қилиш учун қон кўрсаткичлари ўрганилган (умумий ва биокимёвий таҳлиллар). ББС ва ТС касалликларида иммунотерапия таъсир этишининг турли усулларида беморларнинг назорат гуруҳларида қон кўрсаткичларининг ўзгариши, қуйида график тасвирлар кўринишида келтирилган (1-, 2- ва 3-расм).




1 расм. ББС ва ТС ли беморлар гуруҳида ЭИФТ ўтказилмаганда қон умумий кўрсаткичларининг динамикаси (ўртача мўтадил қийматдан % га).




2 расм. ББС ва ТС ли беморлар гуруҳида ЭИФТ ўтказилган қон умумий кўрсаткичларининг динамикаси (ўртача мўтадил қийматдан % га)

Шунингдек, ЭИФТнинг беморлар иммунитетига таъсири ҳам ўрганилган: 1 гуруҳ - амалда соғлом 42 киши; 2 гуруҳ - ТС ли даволашдан олдинги 52 бемор (ПКТ дан олдинга давр); 3 гуруҳ - полиоксидонийли ЭИФТ олган 42 нафар ТС ли бемор; 4 гуруҳ –ЭИФТ + ПФ олган 43 ТС ли бемор; 5-гуруҳ (назорат) – иммунотерапия ўтказилмаган ТС ли 54 бемор; 6-гуруҳ тималинли ЭИФТ олган ТС ли 45 нафар бемор. Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, ТС билан касалланган барча беморлар учун ПК да лейкоцитларнинг ўртача таркиби назорат гуруҳига нисбатан камайди.



3 расм. ББС ва ТС ли беморлар гуруҳида плазмофорезли ЭИФТ ўтказилганда қон умумий кўрсаткичларининг динамикаси (ўртача мўтадил қийматдан % га).

Лейкоцитларнинг энг юқори миқдори ЭИФТ + ПФ дан кейин ТС бўлган беморлар гуруҳида аниқланди ва $6280,9 \pm 280,7$ хужайра/мл ни ташкил қилди, энг паст контент эса фақат кимётерапия вақтида, иммунотерапия қўлланилмасдан олинган эди. Шундай қилиб, иммунотерапия қўлланилмаган беморлар гуруҳида лейкоцитлар даражаси $29,3 \pm 1,2\%$, ЭИФТдан кейин - $36,8 \pm 1,44\%$ ва ЭИФТ + ПФ дан кейин - $41,5 \pm 1,2\%$ ни ташкил этди. Амалга оширилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, иммунотерапия (ЭИФТ, ЭИФТ+ПФ) ПКТ билан биргаликда хужайра иммунитетини оширади.



4 расм. Тухумдон саратони билан оғриган беморларда даволашдан олдин ва кейин хужайравий иммунитетни ўрганиш натижалари.

Шундай қилиб, иммунотерапия турига қараб, ТС билан оғриган беморларда CD3+ Т-лимфоцитларнинг иммунофенотиплари таҳлили ТС билан касалланган барча беморлардаги Т-лимфоцитларда CD3+ экспрессиясини ишончли равишда пасайтиришини кўрсатди.


Иммунотерапиясиз ПКТ дан сўнг, беморлар гуруҳида CD3+ экспрессияси, ПХТ нинг токсик ва депрессив таъсир кўрсатиши CD3+ CD4+ нинг экспрессияси босилиши натижасида хужайра иммунитетига таъсир этади. ЭИФТ ва ЭИФТ+ПФ ўтказилган ТС билан касалланган беморлар гуруҳида ЭИФТ+ПФ дан кейин – 29%, ЭИФТ дан кейин 21,4±1,8% иммунотерапия ишлатилмасдан CD3+ CD4+ нинг кўрсаткичи аҳамиятли фарқ қилмади, даволаш бошланишидан олдин – 20,5±1,2%, назорат гуруҳида эса– 36,8±1,2%. Т-лимфоцитлар бўйича CD3+ CD8+ таҳлиллари шуни кўрсатдики, даволанишдан олдин CD3+ CD8+ сезиларли даражада кўпайган ва 36,8 ± 2,3% ни, иммунотерапиясиз ПКТдан кейин - 33,5±0,82%, ЭИФТ ва ЭИФТ+ПФ дан сўнг цитотоксик Т-лимфоцитлар сонининг сезиларли камайишига сабаб бўлган. ИРИдаги энг кичик пасайиш иммунотерапиясиз даволашдан олдин ва кейинги гуруҳда кузатилган. Шундай қилиб, иммунотерапиясиз ПХТ сўнг беморларнинг энг кам ИРИ қиймати 0,62±0,03, энг юқори ЭИФТ+ПФ - 1,42±0,03 дан кейинни ташкил этган (p<0,05). Натижада иммунотерапия ишлатилмасдан ПКТ ўтказилган беморлар гуруҳларида ТС касаллигида кучли иммунсупрессия хосдир.

Хужайра иммунитетини натижаларини полиоксидоний ва тамилдан фойдаланишга нисбатан таққослаштирилган таҳлил қилиш, Т лимфоцитлар тиминал препаратининг ишлатилиши фониди, тималиннинг хужайра иммунитетини янада фаоллаштиришини кўрсатди. Киллер хужайраларни CD16 + фенотиплари билан ўрганиш ТС билан касалланган беморларнинг барча гуруҳларида CD16+ экспрессиясини ишончли равишда ўсиши кузатилди. CD16+ нинг энг юқори экспрессияси ТС ли беморларнинг иммунотерапиясиз ПКТ дан олдинги ва кейинги гуруҳларида кузатилди, бу эса беморларнинг бошқа гуруҳларига нисбатан ишончли даражада кўпайган (p<0,05). Шундай қилиб, даволанишдан олдин беморлар гуруҳида CD16+ экспрессияси 25,6±1,3% ни, иммунотерапиясиз ПКТдан сўнг - 23,2±1,24% ни, ЭИФТ дан сўнг 21,5 ± 1,1%, ЭИФТ+ПФ дан сўнг - 18,2±1,3%, назорат гуруҳида - 16,8±1,2%. Тималин ишлатилган ТС бўлган 6-гуруҳ беморларда эса, ПКТ дан олдинги ва иммунотерапия қўлланилмаган ҳолатларга нисбатан, қотил хужайраларида сезиларли камайиш кузатилди.

ТС да плазманинг асосий иммуноглобулинлари бўлмиш IgG, IgA, IgM ларнинг миқдори таҳлил қилинди. IgG нинг энг юқори миқдори ТС ли беморларда даволанишга қадар, энг кам миқдори эса иммунотерапиясиз ПКТ ўтказилган беморларда кузатилди, бу эса иммун тизимини ПКТ таъсирида иммунодепрессияси билан боғлиқ бўлиши мумкин. Энг яхши вазият ТСли беморларда ЭИФТ+ПФ дан кейин, IgG нинг миқдори нормал кўрсаткичларга яқинлашиши кузатилади.

ТС ли беморларнинг қон зардобидида IgM миқдори деярли барча гуруҳларида мўътадил даражада бўлган. ТС ли беморларнинг қон зардобидида

IgM миқдори даволашга қадар $1398,2 \pm 56,8 \text{ мг\%}$, ЭИФТ дан кейин - $1240,9 \pm 58,8 \text{ мг\%}$, ЭИФТ+ПФ дан кейин - $1190,8 \pm 42,7 \text{ мг\%}$, иммунотерапиясиз - $1102,5 \pm 32,4 \text{ мг\%}$, нормада - $1148,5 \pm 35,6 \text{ мг\%}$. Қон зардобида IgA ТС ли беморларнинг барча гуруҳларида, айниқса ЭИФТ+ПФ да ишончли равишда юқори бўлган, бу эса плазмафорез ва полиоксидонийнинг детоксификация қилиш ва иммуотропик дори сифатида иммунокорректив таъсирдан келиб чиққан.



5-расм. ТС ли беморларда даволанишдан олдин ва кейин гуморал иммунитетни ўрганиш натижалари

Тималин ва полиоксидоний билан ЭИФТ дан фойдаланиш адаптив иммунитетнинг асосий хужайравий кўрсаткичларини сезиларли даражада яхшилади. Ёндош иммунофармакотерапия билан бирга ТС билан касалланган беморларда цитокинлар ҳолати ўрганилган, беморлар куйидаги гуруҳларга бўлинган эди: 1-гуруҳ - амалда соғлом 42 киши; 2-гуруҳ - ТС ли 46 бемор ПКТ га қадар; 3 гуруҳ - ТС ли 54 бемор иммунотерапиясиз ПКТ сўнг; 4-гуруҳ - ТС ли 42 бемор тималинли комплекс ЭИФТ да ПКТ дан кейин; 5-гуруҳ - ТС ли 43 бемор ПКТ билан комплекс ЭИФТ+ПФ да ПКТ дан кейин; 6-гуруҳ - полиоксидоний билан иммунотерапия ўтказилган 38 нафар. Беморларнинг барча гуруҳлари соғлом шахслар гуруҳи (1-гуруҳ) билан таққосланганда IL-1β нинг қон зардобидаги даражалари статистик равишда ошган. ЭИФТ+ПФ ли комплекс ПКТ дан кейин беморларнинг 5-гуруҳига кўшимча равишда IL-1β таркибида сезиларли фарқ бўлмаган. Шундай қилиб, IL-1β ПКТ гача гуруҳида - 2,9 мартага, иммунотерапиясиз ПКТ дан кейинги 3-гуруҳда - 4,1 марта, 4-гуруҳда - ЭИФТ комплексидаги ПКТ дан кейин - 1,99 марта, комплекс ЭИФТ+ПФ да ПКТдан кейинги 5-гуруҳда - 1,58 марта ошган, бунда 1-гуруҳ билан сезиларли фарқ кузатилмади. Шу боис,

периферик қон зардобида IL-1 β нинг энг юқори даражаси иммунотерапия кўлланилмаган ПХТ дан сўнг беморлар гуруҳида аниқланди.


Интерферон тизими эффе́ктор хужайраларининг кўпайиши, фарқланиши ва фаоллашувини бошқарадиган иммун тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади. IFN- γ текшируви ТС билан касалланган беморларнинг барча гуруҳларида 1 - соғлом инсонлар гуруҳига нисбатан, статистик жиҳатдан сезиларли даражада кўпиши аниқланган. Натижаларимиз адабиётлар маълумотлари билан мос келади. ПКТ ўтказилиши яллиғланишга қарши цитокинлар миқдорининг қонда оширишига ёрдам беради. Бу жараён ўсма ангиогенезини ингибирловчи IFN- γ нинг ортиб бораётган миқдори фонида юз беради. Бизнинг маълумотларга кўра, ТС ли беморларни даволашда ПКТ комплексига иммунотерапия усуллари киритилиши билан, қон зардобида IFN- γ миқдорининг сезиларли ўсиши кузатилади. Натижада, прогрессив жараёнда неоплазма цитокинларнинг маҳаллий ва тизимли функцияларидан фойдаланган ҳолда макроорганизмнинг асосий гомеостатик жараёнларини бирлаштиради. IL-6 ни ўрганиш бизга ТС билан касалланган барча беморларнинг 1-гуруҳига нисбатан статистик жиҳатдан сезиларли даражада ўсишини аниқлаш имконини берди. Тадқиқотни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, беморларнинг барча гуруҳларини бир-бири билан солиштирганда IL-6 нинг қон зардобидаги даражалари статистик жиҳатдан кўпайган. IL-6 ни гуруҳлар ўртасида қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, 1-гуруҳ билан таққосланганда IL-6 даражаси 2-гуруҳда ПКТ гача - 7,5 мартага, иммунотерапиясиз ПКТ дан кейинги 3-гуруҳда – 10, ЭИФТ комплексидаги ПКТ дан кейинги 4-гуруҳда - 5 марта, ЭИФТ+ПФ комплексида ПХТ дан кейинги 5-гуруҳда эса 2,5 мартагача кўтарилиши кузатилди. Кўриб турганимиздек, периферик қон зардобида IL-6 нинг энг юқори даражаси иммунотерапия усулларида фойдаланмасдан ПКТ дан сўнгги беморлар гуруҳида аниқланди. Иммунотерапия комплексидан фойдаланмай туриб, ПХТ дан сўнг юқори даражадаги IL-6 қийматлари намоён бўлмоқда. TNF- α текшируви барча ТС ли беморлар гуруҳида соғлом шахсларнинг 1-гуруҳи билан таққослаганда миқдори сезиларли даражада юқори эканлигини кўрсатди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, беморларнинг барча гуруҳларида TNF- α нинг зардобдаги даражаси бир-бирига нисбатан статистик жиҳатдан кўпайган. Беморларнинг 2- ва 4-гуруҳлари ўртасида TNF- α таркибида сезиларли фарқ аниқланмади. TNF- α гуруҳининг соғлом инсонлар гуруҳига (1-гуруҳ) нисбатан қиёсий таҳлиллари шуни кўрсатдики, TNF- α даражаси ПКТ гача бўлган 2-гуруҳда 5,7 баробар, иммунотерапиясиз ПХТ дан кейинги 3-гуруҳида – 8,6, ЭИФТ комплексида ПКТ дан кейинги 4-гуруҳда - 4,8 марта, ЭИФТ+ПФ комплексида ПКТдан кейинги 5-гуруҳда - 3,5 баробар кўтарилган. Шунинг учун периферик қондаги TNF- α нинг юқори даражаси иммунотерапиясиз ПХТдан кейин аниқланди. Натижада, тадқиқотлар шуни кўрсатдики, II-III босқичли беморларда саратон касалликларини комплекс даволашда, шунингдек, беморлар ва уларнинг ҳаёт сифатини яхшилашда кимётерапиянинг ноъжужа таъсирини камайтириш бўйича энг самарали, иммунотерапия схемалари мавжуд, шу жумладан ЭИФТ ва ЭИФТ+ПФ кимётерапия токсиклигининг

асосий клиник белгилари, беморнинг субъектив ҳолатини яхшилайти. Бундан ташқари, онкологик ва гинекологик касалликларни даволашда ЭИФТ усулидан фойдаланиш беморларнинг беш йиллик умумий ва қайта тикланиш даражасини яхшилаши имконини беради. ТС билан касалланган беморларда ПКТ комплексида иммунотерапиянинг киритилиши яллиғланишга қарши цитокинлар таркибининг пасайиши ва кучли иммуностимуляторли цитокин бўлган интерферон миқдорининг ошиши билан тасдиқланади, бу эса детоксикацион ва иммуномодуляцион таъсирга эга. Шундай қилиб, иммунотерапиядан кейинги кимётерапиядан фойдаланиш табиий ва адаптив иммунитет ҳолатида ижобий динамикани келтириб чиқаради ва тималин билан ЭИФТ ни амалга оширгандан кейинги хужайра иммунитетини тиклашга Т-хужайра иммунитетининг фаоллашувига имкон беради. Шундай қилиб, ТС ни даволашда ЭИФТ усулини қўллаш саратон ва кимёнур интоксикациясини бартараф этиш қобилиятига ва шунингдек тананинг ўсмага қарши муҳофаа тизимини фаоллаштиришга ёрдам бериши мумкин.

Қуйида ЭИФТ нинг турли хил вариантларининг ББС ли беморларнинг иммунитет тизимига таъсирини ўрганиш натижалари келтирилган. Беморлар гуруҳи: 1-гуруҳ - 42; 2-даволашдан олдинги гуруҳ - 60 (ПКТ); 3 гуруҳ - тималин билан ЭИФТ - 44; ЭИФТ+ПФ циклоферон билан даволанган 4 гуруҳ - 45; 5-гуруҳ ЭИФТ+ПФ билан даволанган - 45; 6 гуруҳ - 62 ЭИФТ сиз. Т- хужайра иммунитетини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, даволанишдан олдин ББС бўлган беморларда CD3+ Т-лимфоцитларнинг нисбий таркиби назорат гуруҳидан пастроқ бўлган ($p < 0,05$). Шуни таъкидлаш керакки, ПКТ курсидан сўнг Т-лимфоцитлар таркиби 75% га камайтиди ва даволанишдан олдин назорат гуруҳига нисбатан бир оз камайтирилди. ЭИФТ олган ББС билан касалланган беморларда Т-лимфоцитларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, ЭИФТни олмаган беморлар кўрсаткичига нисбатан анча юқори. ББС касалликларида Т - хужайра иммунитетини, CD4+ Т хелпер/индуктор ва CD8+ Т цитотоксик лимфоцитлерини таҳлил қилаётганда, бошқа гуруҳларни нисбатан ЭИФТ қабул қилмаган беморларнинг CD4+ Т хелпер/индуктор кўрсаткичи кучли пасайиши кузатилди ($p < 0,001$). ЭИФТдан олдин ва ундан кейин ББС ли беморларда CD4+ Т хелпер/индуктор кўрсаткичи 1,5 марта камайтиди ва ЭИФТни олмаган беморларнинг кўрсаткичи билан солиштирганда 1,9 марта пасайган. Шундай қилиб, ПКТ ва ЛТ дан олдин Т хелпер/индуктор етишмовчилиги назорат гуруҳи билан солиштирганда 76%, ПКТ дан кейин – назоратга нисбатан 64% ва ЭИФТ дан кейин - назоратга нисбатан 92% бўлди. ББС да Т-лимфоцит популяциясининг етишмовчилиги, асосан, CD4+ Т хелпер/индукторлар сонининг бостирилиши билан боғлиқ. ББС ли беморлар гуруҳларида CD4+ Т-цитотоксик лимфоцитларнинг ифодаси текшириш ва асосий гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқ мавжудлигини кўрсатди. Шундай қилиб, ББС билан касалланган беморлар гуруҳида CD8+ Т-цитотоксик лимфоцитларнинг нисбий сони 1,9 мартага, ЭИФТ - 1,4 мартага, ЭИФТ сиз - 1,64 марта кўпайган.

CD4+/CD8+ (ИРИ) нисбати табиий равишда асосий ва назорат гуруҳларида ишончли равишда фарқ қилган. Беморларнинг кўпчилигида ИРИ 1,0 дан паст бўлган, чуқур Т-хужайраларининг иммунитетидан далолат

берилади. Лимфоцитларда CD95+ экспрессияси ББС ли беморларда ЭИФТ олмаган беморларга нисбатан ПКТ ва ЛТ дан сўнг ишончли равишда юқори бўлган. Гуморал иммунитетни ўрганиш ББС да қон зардоби асосий иммуноглобулинларнинг таркибида мувозанат йўқлигини кўрсатди. В-лимфоцитларда CD20+ нинг экспрессияси беморларнинг даволанишидан олдин сезиларли даражада ошган. ЭИФТ фонида В-лимфоцитлар сонининг мўътадиллашиши кузатилади. Қон зардобидаги иммуноглобулинларнинг концентрациясини ўрганиш ПКТдан кейин асосий иммуноглобулинларнинг таркибида мувозанат аниқланди.



6-расм. ББС билан касалланган беморларда хужайра ва гуморал иммунитетнинг кўрсаткичлари хусусиятларининг фойдаланилган иммунофармакотерапияга боғлиқлиги

Лекин ЭИФТ билан даволанган беморлар гуруҳида асосий иммуноглобулинлар миқдорининг нормалашуви кузатилган, ЭИФТ олмаган беморларда IgA ва IgG кўтарилиши тарзидаги дисбаланс сақланиб қолган. Шундай қилиб, гуморал иммунитет ББС ли беморларнинг периферик қондаги IgA ва IgG миқдорида, айниқса ЭИФТ ни олмаган беморлар гуруҳида сезиларли даражада ошган. Шундай қилиб, ББСли беморларнинг иммунореактивлигининг хужайравий ва гуморал кўрсаткичлари ПКТ ва ЛТ дан олдин ва кейин ЭИФТ билан ва усиз даволаш натижалари таҳлил қилинди. ПКТ бошланишидан олдин иммунитет тизимининг хужайра ва гуморал таркибий қисмларида номуносиблик аниқланди. Бундан ташқари, ЭИФТни олмаган беморлар гуруҳида иммунитет тизимининг Т-хужайраларининг иммунитет танқислиги ва гуморал иммунитетнинг фаоллашуви билан кам даражада тикланиши кузатилмоқда. Олинган маълумотларга кўра, ББСли беморларнинг иммунореактивлигини даволанишдан олдин ва кейинги ҳолатини баҳолаш, бу

касаллик учун кимётерапия ва ЭИФТ давомида диагностика ва прогностик мезон бўлиб хизмат қилиши мумкин.



“ББС ва ТС ни комплекс даволашда ЭИФТ усулларининг самарадорлигини баҳолаш” деб номланган бешинчи бобида ББС ва ТС билан касалланган беморларда ПКТ да токсиклик даражасини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар келтирилган. ЭИФТ ни ўтказишда кимёвий терапия токсик таъсирининг сезиларли пасайиши кузатилади. ЭИФТ ва ПФ билан биргаликда ўтказилганда цитостатик даволашнинг салбий ҳолатлари таъсири сезиларли ошган.

ЭИФТ усулларининг беморларнинг ҳаёт сифатига таъсири баҳоланган, субъектив ҳолатдаги ўзгаришлар ЖССТ нинг ECOG шкаласи бўйича аниқланди. Шундай қилиб, иммунокоррекция усулларини ўтказиш беморларнинг умумий аҳволи оғирлигини камайтиришга ёрдам берди, бунда ЭИФТ ва ПФ бажарилган беморларда сезиларли таъсир кўрсатди. Саратон касалликларини даволашда муваффақиятининг муҳим мезонлари SF-36 сўровномасига мувофиқ ҳаёт сифатини ўрганишдир, унга мувофиқ иммунокоррекцияловчи чора-тадбирлар ўтказилгач, назорат гуруҳидаги иммунотерапиясиз беморларга нисбатан сезиларли даражада юқоридир, бу эса жисмоний ва руҳий саломатлик қисмларининг кўпайишига олиб келди.

Тегишли равишда олиб борилган тадқиқотлар ББС ва ТС II-III босқичларида комбинациялашган даволаш энг катта самарадорликни, интервалли плазмозферез билан иммунокоррекциядан кейинги ЭИФТ да кўрсатди, бу эса ПКТ нинг асосий клиник токсиклик кўрсаткичларини, нур асоратлари ифодаланишини пасайтиради ва турмуш даражасини ошириш имконини беради. ЭИФТ усулларининг даволанишнинг узоқ муддатли натижаларига таъсирини баҳолаш иммунотерапия билан биргаликда мураккаб даволанишдан сўнг умумий беморларнинг 5 йиллик ҳаёт кўрсаткичи куйидагиларни кўрсатди: 1-гуруҳда ПФ сиз ЭИФТ олган билан оғриган беморлар - $61,3 \pm 5,2\%$ ($p=0,037$); 2-гуруҳда дастлаб ПФ кейин ЭИФТ бажарилган – $65,3 \pm 6,1\%$ ($p=0,041$); 3-гуруҳда иммунотерапиясиз - $54,2 \pm 5,8\%$; 4-гуруҳда ПФ сиз ЭИФТ - $53,4 \pm 5,7\%$ ($p=0,036$); 5-гуруҳда ПФ – $57,1 \pm 5,3\%$ ($p=0,043$) ва 6-гуруҳда иммунотерапиясиз – $46,5 \pm 4,6\%$ (7-расм).

“ББС ва ТС ни комплекс даволашда иммунофармакотерапия усулларини танлаш омилларини интеграл баҳолаш” деб номланган олтинчи бобида иммунотерапиянинг индивидуал танловида ўсимтанинг молекуляр биологик маркерларининг аҳамияти ҳақида маълумотлар келтирилади. ББС ва ТС билан касалланган 30 беморда p53, Bcl-2, EGFR, VEGF, Ki-67 ўсма молекуляр биологик маркерлари экспрессиясини ўрганилган. ББС билан касалланган беморларда ўсма экспрессиясини ўрганиш 8 (26,7%) беморда салбий, 22 (73,3%) да ижобий p53 кўрсаткич қайд этилган. Шу билан бирга, Bcl-2 ни ўрганиш давомида, тескари қонунийлик аниқланди – ББС ли беморлардан 19 (63,3%) салбий, 11 (36,7%) - ижобий ўсма маркерлари аниқланди. Тегишли кўрсаткичлар EGFR белгисини ҳисобга олинганда, 21 (70,0%) ва 9 (30,0%) та беморларда, VEGF –6 (20,0%) ва 24 (80,0%) та беморларда, Ki-67 ўрганилганда –7 (23,3%) ва 23 (76,7%) та беморда

аниқланган. Шундай қилиб, ББС ли аксарият беморларда ўрганилаётган онкомаркерлар Vcl-2 ва EGFR дан ташқари ҳолатларда мусбат, бунда 63,3 ва 70,0% манфий бўлган.




